

OILA DAVRASIDA

No 24 (370)
2019 - yil
13 - iyun
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ПРОПИСКА ЧЕКЛОВИ

ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИГА ЗИДМИ?

6-бет



МАКТАБГА ҚАБУЛ Кимларга пулли бўлади?

2-бет

ЎҚУВЧИЛАР ФОРМАСИ

қачондан
мажбурий?

2-бет



Нафи йўқ БОЛАЛАР БОҒИ

3-бет

Одамларнинг ОДДИЙ МУАММОСИ

3-бет



ХАЛҚ ва ҲАҚ ОРАСИДА

Журналист сўзининг
қадри йўқми?

4-бет

Қўшнинг қадими УЗИЛСА...

7-бет

Айрим мактабларга қабул пулли бўлади

Вазирлик бу коррупциянинг олдини олади, дея таъкидламоқда.

Тошкентдаги 81 та талаб юқори мактабларда коррупцияни олдини олувчи янги қабул тизими жорий этилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги расмий сайти ахборотида таъкидланганидек, ўрганишлар ва ижтимоий сўров натижаларига кўра ота-оналар томонидан талаб юқори бўлган мактабларга 1-синфга қабул жараёнида коррупция билан боғлиқ куйидаги салбий ҳолатлар мавжуд эканлиги аниқланди:

■ Биринчидан, мактабга бириктирилган микроҳудуддан ташқаридаги болаларни қабул қилиш учун таниш-билиш қидириш ёки мактаб раҳбариятига ноқонуний тўловни амалга ошириш;

■ Иккинчидан, 7 ёшга тўлмаган болаларни мактабларга жойлаштириш учун таниш-билиш қидириш ёки ноқонуний тўловларни амалга ошириш;

■ Учинчидан, мактабда таълим тилида ўқиш кетишга кўникмаси етарли даражада бўлмаган болаларни беришдаги шу каби салбий ҳолатлар.

Бу каби ҳолатлар оқибатида мактабларда таниш-билишларнинг «кўнғирок орқали илтимослари» ёки ноқонуний тўловлар натижасида мактаб сизимига нисбатан кўпроқ ўқувчилар қабул қилиниши ва синфларда болалар сони 40-50 нафаргача ошиб кетиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур мактаблардаги таълим сифатида салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, 7 ёшдан кичик ёки таълим олиб бориладиган тили билмайдиган ўқувчиларга педагогларнинг кўпроқ куч ва эътибори талаб этилаётганлиги сабабли, бошқа ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қидил таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, таниш-билиш ёки юқоридан кўнғирок



қилиб боласини жойлаштириш каби салбий ҳолатлар оқибатида, ўша микроҳудудда яшайдиган аҳолининг фарзандлари бундай талаб юқори бўлган мактабларда ўқиш имкониятидан маҳрум бўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хужжатга кўра, жорий йилдан бошлаб талаб юқори бўлган мактабларга (ҳозирча Тошкент шаҳридаги 81 та мактаблар) қабул Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, ушбу умумтаълим муассасаларига болалар асосий ва қўшимча квота асосида қабул қилинади. Янги қабул тизими босқичма-босқич бошқа вилоятларда ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан умумтаълим муассасаларига бириктирилган микроҳудудда истиқомат қилаётган фуқароларнинг (тегишли йилнинг 31 декабрига қадар 7 ёшга тўладиган) фарзандлари, отаси ёки онаси 1 гуруҳ ногирони бўлган ҳамда

етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини инобатга олган ҳолда асосий квота шакллантирилади.

Умумтаълим муассасаларининг имкониятидан келиб чиқиб, микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги, микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрга қадар 6 ёшга тўладиган), шунингдек, умумтаълим муассасаларида таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун қўшимча квота ажратилади.

Давлат хизматлари марказлари орқали болаларни умумтаълим муассасаларига (асосий квота бўйича) қабул қилиш ҳар йили 15 июндан 31 июлга қадар, қўшимча квота бўйича ҳар йили 15 июндан 31 августга қадар амалга оширилади.

Қўшимча квота бўйича умумтаълим муассасаларига қабул қилиш учун бир болага нисбатан куйида назарда тутилган ҳолатларнинг ҳар бир банди бўйича ота-оналарнинг ихтиёрий розилиги асосида **энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда** бир марталиқ йиғимлар ундирилади:

а) микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги болалар;

б) микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган, яъни тегишли йилнинг 1 январидан 31 августга қадар 7 ёшга тўлмайдиган болалар;

в) умумтаълим муассасаларида (микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари) таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун.

Мазкур маблағлар мактабдаги шароитларни яхшилаш ҳамда мактаб ўқитувчилари ва директорини рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Умумтаълим муассасаларининг 1-синфга қабул жараёнларини бевосита Кузатув кенгаши аъзолари томонидан назорат қилиб бориш кўзда тутилган. Жумладан, Кузатув кенгаши аъзолари мактаб маблағларини тўғри сарфланишини назоратга олади.

Шерзод Шерматов: «Янги ўқув йилидан мактаб формаси мажбурий бўлмайди»

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов «Дарё» интернет-нашрига берган интервьюсида мажбурий мактаб формаси 2019/2020-ўқув йилида ихтиёрий бўлиб, бу ҳақда ҳукумат қарори қабул қилинишини таъкидлади.



«Формани жуда кўп муҳокама қилса бўлади. Ижобий томонини ҳам, салбий томонини ҳам. Лекин, шошилиш керак эмас. Бизда озгина шошиш бўлапти. Мактаб формаси ўтган йили мажбурий эмас, ихтиёрий бўлди. Янги ўқув йилида мажбурий қилсак, шошилиш бўлиб қолади», — дейди Шерзод Шерматов.

Вазирнинг айтишича, 1-синфдан 11-синфгача мактаб формасини текшиш жуда катта ҳажмни ташкил қилиб, Ўзбекистон тўқимачилик саноати бу вазифани удалай олишига ҳам саволлар бор. «Ота-оналар ташвишланмаса бўлади, яқин орада қарор чиқади. Янги ўқув йилидан мактаб формаси мажбурий бўлмайди. Мактаб формаси босқичма-босқич жорий қилинади», — дейди вазир.

Улар энди «прямо» республикага бўйсунди

Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарлари, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчаси республика бўйсунувидаги шаҳар ва шаҳарчалар бўлди.

Бу ҳақда Президентнинг 2019 йил 4 июнь кунги қабул қилинган «Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган.

Фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида 12 та штат бирлигидан иборат Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими ташкил этилди. Бўлим фаолияти Бош вазир томонидан мувофиқлаштирилади, дейилади Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Ҳуқуқий ахборот» каналида.

Ижтимоий тармоқларда пул топаётганлар солиқ тўлаши керак

Блогерларнинг ижтимоий тармоқлардаги қаналлар, персонал саҳифаларда реклама жойлашиши ва шу йўл билан даромад орттиришига «ноқонуний фаолият» дея таъриф берилди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат солиқ қўмитаси мутасаддиларининг журналистлар билан очик мулоқотида интернетдаги махсус саҳифалар ва инстаграм, телеграм, фейсбук каби ижтимоий тармоқларда реклама эълонларини жойлаштириш орқали даромад олиш ва бундан солиқ тўлаши шарт ёки шарт эмаслиги ҳақида савол берилди.

«Даромад олишга йўналтирилган ҳар қандай фаолият тури тадбиркорлик ҳисобланади, — деди Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати вакили Музаффар-Юсуф Назаров. — Қандай йўл билан даромад топшингининг аҳамияти йўқ. Давлат рўйхатидан ўтишингиз шарт».

Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Аҳмадjon Сунонов ижтимоий тармоқда реклама жойлаб пул топаётган блогерлар патент, яъни яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома олиши кераклигини таъкидлади.

Хорижга ишлашга кетаётганлар чет тили имтиҳони учун қанча тўлайди?

Хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш ушбу фаолият билан шугулланувчи аккредитациядан ўтган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Чет тили бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш тарифини тасдиқлаш ҳақидаги буйруқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Конунчиликка мувофиқ, хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш ушбу фаолият билан шугулланувчи аккредитациядан ўтган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Хужжат билан чет тили бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш учун тўлов, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баробари (304 миң 95 сўм) этиб белгиланди.


Тошкент шаҳридаги куйидаги мактабларга 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб болаларни қабул қилиш жараёни Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади:

- Бектемир туманидаги 289, 290, 291, 293-сон мактаблари;
- Миробод тумани: 31, 60, 94, 110, 125, 263-сон;
- Мирзо Улуғбек тумани: 35, 50, 64, 71, 187, 210, 279-сон;
- Олмасор тумани: 159, 191, 233, 242, 243, 249, 298-сон;
- Сергели тумани: 6, 7, 300-сон;
- Учтепа тумани: 38, 44, 74, 75, 107, 228, 238-сон;
- Чилонзор тумани: 101, 103, 164, 168, 178, 184, 195, 217, 280-сон;
- Шайхонтохур тумани: 19, 34, 42, 59, 169, 180, 314-сон;
- Юнусобод тумани: 5, 17, 43, 51, 86, 97, 98, 235, 246, 257, 260, 272, 302.
- Яккасарой тумани: 89, 91, 144, 160-сон;
- Яшнобод тумани: 61, 145, 151, 152, 166, 282, 307-сон мактабларига.

Ҳафсаласи пир бўлган болалар

Сиз бунга нима дейсиз, жаноб мутасадди?

1 июль — Халқаро болаларни химоя қилиш куни юртимизда кенг нишонланди. Буни телевидение орқали мириқиб томоша қилдик. Айниқса, жажжи болажонларнинг ота-оналари, буви ва боболари билан биргаликда шаҳарларнинг чиройли истироҳат боғларида, аттракционларда маза қилиб ўқишларини кўриб, юртимизда фарзандларимизга яратилаётган бундай шарт-шароитлардан бошимиз осмонга етди.



Аммо... Нега энди бу каби шароитлардан кишлоқ болалари баҳраманд бўлмас экан, деб ўйланиб қолсан киши. Баъзи бир туман марказларидаги истироҳат боғларининг аҳолини кўриб ачини кетасан.

...Неваралари Шомурод акани эрталабдан холи-жонига кўйишмади.

— Бобо, бизни қачон паркка олиб борасиз. Ана, Шодликни бобоси аллақачон кетиб бўлди. Сиз бўлса, ҳалиям юрибсиз. Олиб бора қолинг, бобо, жон бобожон!..

Невараларининг ялиниб туришларини кўрган бувиси Шодмоной ая гапга аралашди:

— Бобоси, невараларингизнинг сазасини ўлдирманг, олиб бора қолинг, маза қилиб ўйнаб келишин. Дарров машинангизни ўт олдириб. Бола пошшо бўлади-я, — деди.

Шомурод муаллим кичкинтойларга ваъда бериб қўйганидан ўзини койиди. Нима, шу туман марказидаги истироҳат боғига олиб бораманми? У ерда

нима бор? Ҳеч бир аттракцион, аргимчоқлари ишламаса. Унинг нимасини айланишди? Боргани билан ҳафсаласи пир бўлгани қолади буларнинг, деб хаёлидан ўтказди. Аммо болалар буни қайдан билишсин. Уларга буни қани энди тушунтириб бўлса. «Ҳа, майли, нима бўлса бўлар, мутасаддилар байрам баҳона балки ишлатган бўлишса ажаб эмас», деб машинасига невараларини миндириб, йўлга тушди.

Кишлоқчилик-да, кимда улов бор, кимда йўқ. Кимда имкон бор, кимда йўқ. Имкони борлар вилоят марказига, Шомурод муаллимга ўхшаганлар туман марказига, жуда имкон тополмаганлар эса кишлоқ ёки маҳалла марказидаги дўконларга чиқиб фарзандларига биттадан музқаймоқ олиб бериб, байрамни нишонлашади-кўяди. Шу билан байрам тамом.

Шомурод бирпасда туман марказидаги истироҳат боғига етиб борди. Машинасини чеккага қўйиб невараларининг қўлидан тутиб хиёбонга кирди.

Тумонат одам. Гўё ҳамма шу ерга кўчиб келгандай. Айниқса, истироҳат боғида музқаймоқ, салқин ичимликлар савдоси кизгин. Савдогарларнинг бу мусабакасида қабобпазлар улукни эгаллашган чоғи. Кичкинагина боғда йигирмадан зиёдрок жойда қабоб савдоси. Йўлақлар торлигидан зўрға юрасан. Қабоб кўраларининг тутунини-ку айтмасаям бўлади. Истироҳат боғининг амфитеатрида болажонлар учун куй ва кўшиқлар авжида. Шомурод муаллим неваралари билан бирпас ашула ва ракс томоша қилишган бўлди. Кенжа неваралар аргимчоқда учайлик, деб хархашани бошлади. Шундоқ юриб чархпалак ва аргимчоқлар турган жойга яқинлашди. Афсус, минг афсус, хиёбондаги бу нарсалар ишламасдан турганини кўриб, Шомурод муаллим ерга қаради. Неваралари:

— Эҳ, ишламас экан, — деди.

Бир томонда фақат шиширилган бағут ишлаётган экан, неваралар ўша ёққа чопишди.

Ахир, туман мутасаддилари боғда болалар байрами бўлиб ўтишини яхши билишади-ку! Нега мавжуд аттракцион ва аргимчоқларни таъмирлаб, болажонларга шароит яратишмади? Шунча гектарлаган майдон ким учун, нима учун хизмат қилиши керак? Мана сизга хўжасизлик...

У ердаги болаларнинг навбати катталигидан капалаги учиб кетди. Ҳамма ҳам фарзандларини қувонтиргиси келади-да. Нима қилишсин. У ердан ҳам ҳафсаласи пир бўлган болажонлар ахир кичик бир учуш мосламасини кўли билан ҳаракатга келтираётган иккита йиғитнинг олдига бориб, минг сўм беришиб икки дақиқа учиди. Шунинг билан невараларнинг истироҳат боғидаги сайру томошаси якунига етди.

Бу манзара Кўшкўпир туман

марказидаги Замахшарий номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июль — Халқаро болаларни химоя қилиш кунидан бир парча. Бунга ўзим шахсан гувоҳ бўлдим, суратга ҳам олдим. Ахир, туман мутасаддилари боғда болалар байрами бўлиб ўтишини яхши билишади-ку! Нега мавжуд аттракцион ва аргимчоқларни таъмирлаб, болажонларга шароит яратишмади? Ёки боғнинг эгаси йўқми? Шунча гектарлаган майдон ким учун, нима учун хизмат қилиши керак? Мана сизга масъулиятсизлик, мана сизга хўжасизлик...

Истироҳат боғи ўз номи билан ҳамма сайр этадиган жой. Унда ёш ҳам, қария ҳам, болалар ҳам бирдай дам олмоққа, хордик чикаромкага ҳақли. Боғдаги бу анжомларнинг элга хайри тегмаса, бундан на фойда. Мутасадди ташкилотлар ушбу воқеликка аниқлик киритишни сўраб қоламиз.

Болтабой МУХАММАД ҚУРБОН,
Хоразм вилояти

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Одамларнинг оддий муаммоси

Адлия аралашуви билан ҳал этилди

«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак». Бу тамойил жамиятимизга тўла татбиқ этилмоқда. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими янада ривожлантирилиб, халқ билан давлат органлари ўртасида очиқ мулоқот йўлга қўйилди. Мурожаатлар билан ишлашда очиқ ва шаффоф механизмлар жорий этилди. Бунинг натижасида одамларда муаммолари, дардини айтиш учун эшигини тақиллатиб борадиган идоралар ва уларни эшитадиган масъуллар борлигидан умид-ишонч уйғонди.



Бу борада Адлия органларининг устувор вазифаси энг аввало фуқаролар ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган бўлиб, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш чораларини кўради. Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан бошқа

давлат органлари ва ташкилотларини томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига риоя қилишга усулвий раҳбарлик қилади. Ёхуд тегишли давлат муассасаси томонидан мурожаатларни кўриб чиқишдаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан таъсир чоралар қўллаш орқали фуқароларнинг

манфаатларини химоя қилади.

Шу ўринда, адлия тизимининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишдаги ролини биргина Миробод туман адлия бўлими тажрибасида фуқаро ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида юзага келган муаммонинг ҳал этилиши жараёнидан ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки,

туманнинг Фидойилар (Сарикўл) кўчаси, 61-уйда истикомат қилувчи фуқаро Р.Толағанходжаев хонадонидан иситиладиган майдоннинг умумий ўлчами нотўғри ҳисобланиши оқибатда келиб чиққан асосиз (норез) қарздорликни бартараф этиш юзасидан мурожаат қилган. Фуқаро муаммо юзасидан қилган мурожаатлари туман газ ташкилотидан эътиборсиз қолдирилган. Ўз навбатида Мажбурий ижро бюроси қарздорликни ундирилишини қатъий талаб қилган.

Кўриб турганингиздек, ушбу мурожаат тўғридан-тўғри туман газ ташкилоти доирасида кўриб чиқилиб, иситиладиган майдоннинг умумий ўлчамини қайта текшириш билан ҳал қилса бўларди. Аммо, туман газ ва туман мажбурий ижро бюроси бўлимининг ўз ишига совуқ-

қонлиги оқибатида фуқаро анча пайт сарсон-сарғордон бўлади.

Ниҳоят туман адлия бўлими ишга аралашган муаммо ижобий ҳал этилади. Фуқаро хонадонидан нотўғри ҳисобланган иситиладиган майдон ҳақиқий ўлчамига ўзгартирилишига эришади. Асосиз қарздорлик фуқаронинг зиммасидан олиб ташланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, агар ҳар бир давлат органи раҳбари, масъул ходими фуқаро мурожаатига масъулият билан ёндашмаса, муаммосини ўз дардидек ҳис қилмас экан, одамларнинг оддий муаммолар билан сарсон бўлишига чек қўя олмаймиз, пировардида халқни рози қилишдек олий мақсадимиз ҳам насия бўлиб қолаверади.

Ирода ХАМРАЕВА,
Миробод туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

Халқ билан ҳақ

ёхуд журналист

Болалигимда онам билан тез-тез «Матбуотчилар уйи»га борардим. У ерда газета саҳифаларининг тайёрланиш жараёнини синчиклаб кузатардим. Уйимиз ҳам бамисоли иккинчи таҳририят эди. Иш пайтида улгурилмаган ижодий ишлар уйимизда давом этарди.

Ишдан қайтаётганимизда гоҳида кўчанинг ўртасида копток ўйнаётган болалар онамни кўришлари билан, «Журналист опа келяптилар», деб дарҳол тўхташар, қўлида коптогини ушлаганча ўтиб кетишимизни қўтиб туришарди. Атрофдаги каттаю кичикни онамга бўлган ҳурмат ва эъзозини кўриб мен ҳам журналистика касбига меҳр қўйган бўлсам ажабмас...

Онам ҳар куни биз фарзандларига: «Мактабда, кўчада бирор киши «Юр, онамни олдига олиб бораман», деб айтса ишонманглр. Йўлда машина ўтиши мумкин бўлган жойдан узокроқ юринг. Атайин туртиши ёки машинага тортиб олиб кетиши мумкин», деган гапларни қайта-қайта такрорлар эди. Тўғриси, бу гапларнинг асосий сабабини ўшанда тушунмасдим. Энди эса...

Тонometrга сифмаган рақамлар

Бир куни кечки пайт телефониим жинглиди. Гўшакни кўтарган акам аввалгига жим бўлиб қолди, кейин шоганича коғозга нималарнидир ёзди. Гўшакни қўйгач, анча вақтгача гапирмай ўйланиб ўтирди. Охири «Онамнинг ишхонасига бир одам келибди. Муаммоси борлигини, уни фақатгина онам ҳал қилиб бера олишини айтиб, ўзи билан бирга боришини илтимос қилибди. Онам у одамни умуман танимаслиги, биринчи марта кўриб тургани учун боролмасликларини айтибдилар. Лекин у одам ялинавергач, ходимларига «Агар қайтиб келмасам, машина рақамини эслаб қолинглар», деб эшикдан чиқиб кетибдилар. Иш вақти тамом бўлганича қарамай, онамдан хабар бўлавермагач, таҳририят ходимларидан бири балки тўғри уйга кетгандир, деган ҳаёлда уйга кўнғорик қилибди», деди. Шу пайтда бола кўнғимизни аллақандай кўрқув эгаллаб олди. Бир неча соат ўтиб, кеч тушди ҳамки онамдан дарак йўқ эди. Қўлимизда машина рақами ёзилган варақдан ҳақ-хуқуқларини химоя қилувчи фельетон ва танқидий мақоллар бор эди, ўша масала ўз ечимини топмагунча тиниб-тинчимас эдилар. Ва бу йўлда — ҳақиқат учун курашаётган журналистга турли хил таҳдидлар бўлиши ҳам табиий эди.

Ва ниҳоят дарвозамиз ёнига эски «Москвич» машинаси келиб тўхтади. Онамнинг овозларини эшиб шунчалар суюниб кетдикки... Онам билан бирга машинадан қўлида бола кўтарган бир киши ва хомилалар аёл тушди. Онамнинг юзлари қизариб, қорайиб кетганидан маълум эдикки, кон босимлари ошган. Онам хижолат бўлиб турган меҳмонларни уйга бошлаб кирдилар. Кейин бошини рўмол билан маҳкам сикиб бо-

лаганича, эрталабгача ухламай бир нималарни ёзиб чиқдилар. Эртасига газетада бу оиланинг муаммоси ёритилган катта фельетон эълон қилинди. Бир hafta ўтар-ўтмас ёш онамнинг ноқонуний тортиб олинган уйи эгаларига қайтарилди.

Ўша пайтда менинг кўз олдимда онам эмас, халқ учун, ҳақ учун кўрқувни ҳам енга олган жасур бир аёл намоён бўлган эди. Мен шу жасур аёл қиёфасида ҳақиқий журналист қандай бўлиши кераклигини англаб улғайдим...

Тақдир экан, 29 ёшида катта акам вафот этди. Онам йўқотишининг зарбидан қарахт, камгап, ғамдан жуссаси бир бурдагина бўлиб қолганди. Бир куни кўнғил сўраб келган аёллардан бири қўтилмаганда онамга қараб: «Нариги маҳалладаги Замира опа бор-ку, шу аёл ўғлингизни вафотини эшитиб бирам қувониб кетди. Одамларгаям хайронсан-а! Бировнинг ғамидан шунчалик ҳам роҳатланадими?! «Журналист опа бизни танқид қилиб мақола чиқарганди. Мана Худодан топибди», деб айтди», деса бўлади. Шу пайт бошимга гурзи билан бир туширгандек бўлди гўё. Онамга қарасам, кўзларини бир нуктага қалаганича индамай ўтирдилар. Тўғриси, шу тонда «ўлганининг устидан тепаётган», бировни ўйловсизларча айтган гапини кўтариб келган фахмсиз аёлни уйимиздан тезроқ чиқиб кетишини хоҳлардим. Аёллар бирин-кетин чиқиб кетишди ҳамки, онам қимир этмай шу холатда ўтираверди.

Фақат: «Афсус, афсус!.. Қаламининг кучи муаммони кўтариб чиқиб, ечим топибди-ю аммо айрим сўқир қалбларни уйғотишга кучи етмабди-да. Ўша аёл эрининг қари ота-онасини кўчага ҳайдаб чиқарган эди. Шўрликлар кекса ҳолида борадиган жойи йўқ, анча пайт маҳалла биносида яшаб юришди. Маҳалла фаоллари билан аёлнинг уйига бориб тушунтиришга ҳаракат қилдик. Ўғлинини инфофага қақирасак, хотини эрини умуман оғиз очтиришга қўймади. Яхши гапни тушунмаганидан кейин газетга ёзишга маж-

бур бўлгандим. Мақола эълон қилинганидан сўнг бу муаммога ҳокимлик аралашиб, қатъий чора кўрилишини айтгандан сўнггина қарияларни уйга киритишди. Мен булар ўз айбини тушунган, қилган хатосидан тўғри хулоса чиқарган, деб ўйлаб юрган эканман. Демак, бечора қариялар шунча пайт у уйда рўшнолик кўрмабди-да...» дедилар надомат билан.

Кўп гувоҳ бўлганман. Ижодкор халқи атрофдагиларга қуйиб-пишиб гуноҳу савоб, яхшилик ва ёмонликнинг нима эканлигини тушунтирмоқчи бўладилар, жавобан қимларнингдир ноҳақ тепкисига ўзи дучор бўлади.


Тошкентдаги тadbирни ўтказиб Қаршига кетганига ҳали уч кун бўлмасидан онамнинг клиник ўлим ҳолатига тушиб қолгани ҳақидаги шум хабар етиб келди. Йўлда кетяпману, «Нега, қандай қилиб бундай бўлди?!» деган саволларга жавоб топа олмасдим. Жонлантириш бўлимида ётган онамнинг ахволи уч кун ўтса ҳамки умуман ўзгармади. Шифокорнинг, «Афсус, онамнинг олиб келинганида ахволи жудаям оғир эди. Қон босимини ўлчаганимизда натижани кўриб ҳаммагимиз қотиб қолдик. Хали бунақаси бўлмаган, тонометр энг бандан кўрсаткичдан ҳам юқорини кўрсатарди. Онамнинг кон босими аслида нечига кўтарилганини билолмадик», деган сўзлари хали-хамон юрагимга тигдек санчилиб турибди.

Қишининг қаҳратон совуғига қарамай, ўша куни онам бир эмас, учта тadbирга борган экан. Tadbирларнинг барчасида арзирли муаммолар ҳақида гапирилмагани аниғу, аммо онамнинг кон босими нега бунчалар кўтарилганининг сабаби биз учун қоронғу бўлиб қолаверди...

Қўтилмаган натижа

Минг афсуски қундан-қунга ахволи оғирлашиб «ўлаётган» оммавий ахборот воситаларини кўриш жудаям ачинарли. Кетма-кет ўтказилаётган тadbирларда маъсулар, «Биз чет эл тажрибасини ўрганиб, фикр аламашяймиз», деб бонг уриш билан овора.

Хўш, чет элдан нимани ўргандик? Шароитимизга, ахволимизга реалроқ қарашга ҳаракат



Махмуджон Эшонқулов чизган сурат

қилмаймизми? Юртдошларимизни интернетга узвий боғлашга уринишимиздан аввал, кунлик нонини топиб ейиши муаммо бўлган, қўлида оддий телефон тугул, чекка-чекка кишлоқларда ҳафталаб чирокка сиз яшаётган юртдошларимиз борлигини ҳам эсдан чиқармайлик.

Бутун дунёни телефон ва компьютерга қўмиб ташлаган Япония ва Хитой давлатларидаги газета ва журналларнинг адади қанча эканлигини биланмизми? Мазкур давлат ҳукуматлари ҳар бир хонадонга телефон ёки компьютер эмас, газета ва журналлар кириб боришини таъминлар экан.

Бизда-чи? Нашрлардаги бор обунани ҳам камайтириб, салкам бир асрик забардаст газета ва журналларнинг йўқ бўлиб кетишини ҳам киприк қоқмай томоша қилиб ўтираверамиз. Юртимиздаги 85 фоиз хонадонга бир дона бўлса ҳам газета кириб бормаётган экан, маънавият ва маданиятдан бонг уришга ҳаққимиз бормикан?!

Минг афсуски аксарият ва зирликлар, муассислар ўзларига тегишли бўлган нашрларнинг ахволи билан умуман қизикмайди ёки ўзларини кўриб кўрмаганга олишади.

Биргина мисол: неча йиллар давомида собиқ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги таркибида бўлган болалар нашрлари Халқ таълими вазирига тасарруфига ўтказилди. Аммо сўнгги вақтларда болалар нашрлари эгасиздек бир ахвол-

га келиб қолди. Ёрдам сўраб қилинган мурожаатга, вазирлик томонидан «ўз кунингизни ўзингиз кўринг, ахволимизни кўриб турибсиз-ку!» кабилида жавоб бериши «Йиғлаб борсам, хўнграб чиқди», деган мақолни ёлга солади. Таассуфки, хайрли мақсадда бошланган иш қўтилган натижани бера олмади.


Наҳотки болалар нашрларидан ҳам бутунлай воз кечсак? Ёки болалар қўлига ҳам интернет «ви» бўлган замонавий телефон тутқазиб қўямизми?

Суяниш учун аввало устун керак

Ҳар йили бир ижодкор сифатида 27 июни ўзгача бир кайфиятда қутаман. Тўғрироғи яхшиликлардан, соҳамизга оид бирор бир бизни қувонтирадиган янгиликлардан музда кутаман. Аммо ҳар йили «шу бўлар тақдор» деганларидек, умидимизни синдириб кейинги йилга ўтаверамиз... «Ундай қилиш керак, маъносидаги назарий тadbирлар, йиғилишлар одамни бездириб юборади. Журналистларга ақли етса-етмас берилаётган насихатлар эмас, ҳам рухий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий мадад бўладиган қарорлар керак аслида. Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «Тўртинчи ҳокимият» даражасига олиб чиқадиган, ижодкорларнинг мавқенин оширадиган, газета саҳифаларида ёритилаётган муаммоларнинг ўз ечимини топишида журналистларга кўмак бера оладиган, суянишимиз мумкин бўлган устун зарур.

Оралиғида

сўзининг қадри йўқми?



Минг афсуски, соҳамизга бўлган эътиборсизлик бир қанча истеъдодли ижодкорларнинг ўз ҳаёт йўллариини ўзгартиришига ҳам сабаб бўлди. Тирикчилик илинжида салмоғи баланд асарларни тақдим этиши мумкин бўлган ижодкорлар «ўз кучини ўтин ёришга сарфлаётганини» кўриб, бой бераётган истеъдодларимизга ачиниб кетаман.

Журналистларга бўлган эътиборни уларнинг байрамида кўринг. Ҳали мусика нималиги тўла англамаган, енгил-елпи кўшиқ айтувчи «санъаткор»-чалар 9-10 кунлаб концерт берадиган «Халқлар дўстлиги» саройи йилда бир мартагина юртимиздаги барча ижодкорларни жам қилиб, бағрини очиб кутиб ололмади. Каттаю кичикнинг яхши ёмонидан хабардор қилиб, тинмай ишлаётган журналистлар миллий театр залига сиғганича йиғилади. Журналистлар уюшмаси бир амаллаб тадбир ташкиллаштиради...

«Кўркмай ёзаверинг, биз турибмиз...»

«Кўркмай муаммоларни ёзинг, газеталарда ўткир-ўткир мақолалар беринг. Қани довиорак журналистлар?!» дейишди. Кейин эса бир қадамгина олдинга чиқиб муаммоларни айта бошлаган қаламкашга ўз ҳаддини жуда моҳирлик билан билдириб кўйишга киришишди.

Халқимизнинг дилидаги, юрагидаги дардларини, муаммоларини кўркмай ёритаётган журналистлар ҳам, нашрлар ҳам талайгина. Аммо шундай жасур нашрларни мутасаддиларнинг ўзлари ўқимаётгани ачинарли ҳол.

«Нашримизда танкидий мақола эълон қилдик, — дейди ҳамкасбларимиздан бири. — Тегишли мутасаддилардан бирор бир муносабат билдирилмади. Орадан қарийб икки ой (!) ўтганидан сўнг мақолада тилга олинган ҳолатта

масъул ташкилотнинг вилоят бўлимидан тахририятга кўнғирок бўлди. «Илтимос, ўша газетадан юборсангиз, бизга келган топшириқни ёпишимиз учун зарур бўляпти», дейди. Ўзи нима иш қилинди аҳволни ўзгартириш юзасидан? Уни «ёпиб» кўйиш эмас, бизга беришингиз керак. Муносабат сифатида чоп этамиз, деган гапимизни афсуски тушунишмади». Мана, сизга айрим мутасаддиларнинг матбуотга эътибори! Юқорида тилга олганимиздек, бир вақтлар матбуотда кўтарилган муаммонинг ҳеч бири эътиборсиз қолмаган. Фельетон бўлган соҳа раҳбарлари бунга ўзларига энг шармандали ҳолат сифатида қараган. Бугунчи? Ҳатто исм-фамилиясигача келтириб танқид қилсангиз парвойига ҳам келмайди. Демак, ё уларнинг бети каттиклашган ёки журналистлар сўзининг кучи қолмаган.

Телеэкран орқали бир оғиз рост сўзни айтгани учун турли «ўйин»лар орқали ишдан бўшатилиб, йиллаб уйда ишсиз ўтирган журналистнинг аҳволини кўрганимда, ўзининг фидойилиги билан шогирдларига ўрнак бўлган устоз журналистни суднинг эшигигача олиб боришганида кўнглим оғринди. Ахир, улар бирор марта ўз манфаатини кўтариб чиқдимми? Қачондир кимнидир танқид қилиб чиққан бўлса, шу жамият муаммоси, шу халқ дарди учун эди-ку бу! Қани шундай пайтларда журналист химояси учун тайинли ишларни санай олсак...

Икки қатор гапни эплаб ёзиш у ёқда турсин, тайёр матни тўтирмай ўқиб олмайдиган айрим раҳбарларни соатлаб тинглаб, олқишлашни биламиз, лекин тунни тонгга улаб, минг бир захмат билан халқимизнинг юрагидаги дардини кўтариб чиқаётган журналистнинг мақолаларига масъуллар икки оғиз муносабат билдириб қўйишни ўзларига эп кўрмайди.

Аваллари ижодкорларга копток ўйнаётган болалар ҳам тўхтаб йўл бериб, хурмат кўрсатган бўлса, энди қупа-қундуз кунни тўғри гапни айтгани учун журналистнинг бошини ёриб кетишса ҳам ҳеч ким гинг деяётгани йўқ.

Журналистлар ҳақида гап кетганда, бу соҳанинг қаттиқ ноини тийлаб ҳам кўрмаган кишилар томонидан ижтимоий тармоқларда билиб-билмай, ўйламай, кўрқокликда айблаб, ижодкорларнинг шаънига айтилаётган, билдирилаётган муносабатларни кўрганимда дилим оғрийди. Кўз олдимдан телерадиокомпанияда эфирга узатилаётган атиги уч дақиқалик лавҳа учун соатлаб компьютер экранига термилиб ишлаётган ҳамкасбларим, ўзи ёрдамга муҳтож бўла туриб, ижара уйлардан яшаётганига қарамай, бирор-бир муаммони ҳал қилиб, ёрдам берай, халқимга фойдам тегсин, деб газета саҳифаларини тўлдирётган тахририят ходимлари, қўлида фақатгина машина рақами ёзилган қоғозни ушлаганича ноилоҳ ўтирган болалар, тонометр аппаратига сиғмаган рақамлар, бир нуктага тикилганича ўйга чўмиб турган онам — халқ билан ҳақ оралиғида ёнаётган инсонлар кўз олдимда намоён бўлаверади. Бўғзимдаги ҳайқирикни тўхтатолмайман: **Бу фидойиликка Сизнинг жавобингиз шуми?!**

Нилуфар ЖАББОРОВА,
журналист

ЯНГИ ҚАРОР

Кутубхона туманларда ҳам бўлади

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилади. Бу «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Қароридан белгиланган.



Туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган. Жумладан:

■ аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш учун сифат жиҳатидан янги ва қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ахборот технологиялари асосида уларнинг илмий, таълим, ахборот ва маданий эҳтиёжларини қондириш;

■ фойдаланувчиларга ҳар қандай (босма, мультимедиа ва рақамли) ташувчиларда, шу жумладан, Интернет тармоғида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Ресурс марказлари тугатилади

Туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилиш ўлароқ, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган барча ахборот-ресурс марказлари тугатилади.

Тугатилаётган ахборот-ресурс марказларининг китоб фондлари ва штат бирликлари янгидан ташкил қилинаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига берилади. Штат бирликлари сақлаб қолинади.

Кутубхона пул топадимми?

Янги ташкил этилаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари қандай молиялаштирилади?

Хужжатда бу аниқ белгиланган. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг икки фоизи Миллий кутубхона — ахборот-ресурс маркази хузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратилади. Бу маблағлар ахборот-кутубхона марказлари моддий базасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар (тил ўргатиш, компьютер курсларини ташкил этиш, матнли, аудио ва видеоматериаллар нусхаларини яратиш, шунингдек, бошқа кутубхона хизматлари) рўйхатини кенгайтириш орқали ахборот-кутубхона марказларининг бюджетдан ташқари даромадларини ошириш чоралари кўрилади.

PS:

«Оила даврасида» газетасининг жорий йил 28 март 13 сонидида «Номин бор, ўзи китобга зор кутубхоналар ёхуд Бухородаги қишлоқларга зин масканлари керак эмасми?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда ушбу қарорда белгиланган мақсад ва вазифаларни белгилловчи оғир саволлар кўтариб чиқилган эди. Қишлоқ кутубхоналари муаммоси газетамизнинг доимий мавзуларидан бўлиб келган. Бизни кузатиб боринг!

БИЛАСИЗМИ?

Ўқитувчилар тиббий кўрикдан ўтиш учун пул тўлайдимми?

Мехнат кодексига мувофиқ, иш бевуви мехнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт, дейилади Адлия вазирлигининг «Хуқуқий ахборот» телеграм каналлида.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Тиббий кўрикдан ўтиш муносабати билан ходимдан пул ундирилмайди, шунингдек тиббий кўриқларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Тошкент пропискаси чеклови фуқаролар конституциявий ҳуқуқларига зидми?

Шу кунларда ижтимоий тармоқлар ҳамда ОАВда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага қўйиш тартиби фаол муҳокама қилиниб, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда прописка бўйича ўрнатилган ушбу тартиб фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланишини чеклаш, урбанизация жараёнлари, ижтимоий ривожланиш, хусусан, малакали кадрларнинг хорижда ишлаш учун мамлакатни тарқ таятганликлари ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган.

Шу ўринда, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ушбу масала юзасидан ўз тақлифлари ва ўрганишлар натижаларини тақдим этади.

Маълумки, 2018 йилда Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик ва инновацион технологияларни қўллаб қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 56-бандида Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш (ҳисобга олиш) тартибини соддалаштириш белгиланган эди.


Мазкур банд ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги қарори билан фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропис-

кадан чиқармасдан беш кундан бир йил (аввал олти ой) муддатга амалга оширилиши ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш учун асос ҳисобланмаслиги белгиланган тартиби ҳам белгиланди. Шунингдек, мавсумий иш билан шуғулланиш (қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлари) учун келган фуқароларга ҳисобга қўйишнинг соддалаштирилган тартиби ҳам белгиланди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган жисмоний шахслар Тошкент шаҳри ва вилоятида фақатгина янги қурилган кўчмас мол-мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали

амалга оширилганларидagina сотиб олишлари ва ушбу кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказишлари мумкинлиги белгиланди.

Бунда Тошкент шаҳри ва вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулк сотиб олган Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар томонидан кўчмас мол-мулк сотиш олинганда – шартнома суммасининг 5 фоизи, ammo энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланди (Маълумот учун, Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга фуқаролар учун ушбу хизмат энг кам ойлик иш ҳақининг бир



дентларнинг асосий қисми, яъни 49 фоизи ушбу тартиб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига мулҳокама зид эканлигини тасдиқлади.

Кўриниб турибдики, давлат раҳбари томонидан тасдиқланган Давлат дастурига киритилган ушбу банднинг амалга оширилиши бугунги кунда долзарб эканлигини жамоатчилик фикри натижалари ҳам тасдиқламоқда.

Фикримизча, белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва тўлақонли амалга оширилганида, бугунги кунга келиб фуқароларнинг норозилиги ва муҳокамаларига сабаб бўлмас эди. Аксинча, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига амал қилиниши Ўзбекистоннинг халқро майдондаги имижига янада ошишига, урбанизация жараёнига, ижтимоий ривожланиш, хусусан, истиқболли кадрларнинг хорижда чиқиш кетишининг олди олинишига хизмат қилган бўлар эди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, белгиланган вазибаларнинг тўлақонли бажарилишини инobatта олган ҳолда, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ушбу масала юзасидан қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадага мувофиқ, деб ҳисоблайди:

Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий прописка қилиш тартибини турар жойи бўйича ҳисобга олиш тизими билан алмаштириш. Бунда ҳисобга олишни Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соддалаштирилган тартибда амалга ошириш;

Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини эътироф этишни нафақат бирламчи бозор, балки иккиламчи бозорда, шунингдек, умрбод ўзгага берилганда ёки ҳадя қилинганда ҳам бериш тартибини жорий қилиш.

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати матбуот хизмати

ХАФТА ИҚТИБОСИ

Прописка «лазейка» бўлиб қолди

ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Шорихсиев:

«Содда тилда тушунтурадиган бўлсак, вилоятлардан тўртта ёки учта фуқаро ўзаро келишиб, Тошкент шаҳрида бир хонали квартира олиб, шу тўрт киши ўша квартирага прописқадан ўтишмоқчи. Ўтишиш ҳам.

Кўп баҳсли ҳолатлар айнан прописқадан ўтиш жараёнида юзага келмоқда. Тошкент шаҳрига прописқадан ўтиш, қўли қилиб айтаганда, «лазейка» бўлиб қолди. Лекин, шунча қарамасдан, кўнчилик фуқаролар судга муросжаат қилишяпти. Суд қарор чиқаргандан кейин бизнинг ходимлар фуқароларни прописқадан қилишяпти. Ҳозир суд ёрдамида кўп муаммолар ҳал бўляпти, суд орқали прописқадан ўтишяпти. Бу масалани юқори ташкилотларга маълумот тариқасида киритдик, бу борада бизга аниқ йўналиш беришларини илтимос қилдик».

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган очик мулоқотдан.



баробарини ташкил қилади).

Шунингдек, ушбу ўзгаришлар билан вақтинча ёки доимий прописқасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик, вояга етмаган шахснинг белгиланган муддатда паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинди. Доимий ёки вақтинчалик прописқасиз бўлган шахсни ишга қабул қилишни рад этиш мумкинлигини назарда тутувчи норма чиқариб ташланди.

Шунга қарамай, Давлат дастурида Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий прописқадан эга бўлмаган фуқаролар учун асосиз спекуляциянинг олдини олиш чораларини кўрган ҳолда иккиламчи бозордан кўчмас мулк сотиб олишга бўлган чекловларни бекор қилиш тартиби назарда тутилган бўлсада, ушбу масала тўлақонли амалга оширилмаган. Бу эса фуқаролар томонидан эътирозларнинг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати фуқароларнинг айна шу масала – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописқа бўйича амалдаги тартиб юзасидан фикрларини ўрганди. Хусусан, телеграм тармоғидаги Жамоатчилик фикри саҳифасида жорий йилнинг 3-11 июль кунлари давомида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди. Унда 17 минг 700 нафардан эъд фуқаро иштирок этиб, респон-

Ҳайдовчилар фойдасига 1:0

кундузи чироқ ёқиб юриш энди мажбурий эмас

Аҳоли фикри ва мунособоти ниҳоят инobatта олинди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сабаб кўплаб эътирозлар юзага келган эди. «Оила даврасида» газетасида ҳам бу мавзуда бир нечта мақола эълон қилинди.

Ҳукуматнинг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда йўл ҳаракати барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари эътиборга олинган амалий чоралар белгиланди.

Эндиликда 2021 йил 1 январга қадар куннинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи чироқлар ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиш шартлиги бўйича талаб автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланмаган автомобилларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Стандарт – ишлаб чиқарувчиларга

Автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун талаб катийлаштирилди. ■ 2020 йил 1 январдан мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча автомобиллар ички бозорга ишлаб чиқарувчи томонидан автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланган ҳолда чиқарилади. ■ Импорт қилинадиган автомобилларга нисбатан талаб катийлаштирилди. ■ 2020 йил 1 январдан мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча автомобиллар ички бозорга ишлаб чиқарувчи томонидан автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланган ҳолда чиқарилади.



«Штраф» қамайтирилади

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳайдовчиларнинг куннинг ёруғ вақтида транспорт воситаларининг жакнини ёритувчи чироқларини ёқиб ҳаракатланмагани учун жавобгарликни енгиллаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Чироқ қачон ёқиб юрилади?

Автомобиллар қуйидаги ҳолатларда чироқини ёқиб юришга мажбур:
■ транспорт воситалари ташкилий жамланма (колонна) сафида ҳаракатланаётганда;
■ йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида;
■ болалар гуруҳини ташкилий ташишда;
■ хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазни юкларни ташишда;
■ механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);
■ мотоцикл ва мопедларда.


Қўшнинг қадами узилса...

Бувимнинг узун киш тунларию, илик шабада эсиб турган ёз кечаларида айтиб берган хотираларини эсласам бир нафасга бўлса ҳам яна ўша кунларга қайтгандек бўламан. Ҳаёлан ўша воқеаларни хозирги ўзим билган, кўрган ҳолатлар билан солиштираман. Бўлган бувимнинг хотиралари менга эртакдай туюлади. Хайратимни оширади. Нахотки, чиндан ҳам шундай бўлган бўлса, дейман ўзимча. Лекин булар айни ҳақиқат эканини, бувим ҳаётда ҳақ-роғат рўй берган ишларни айтаётганини яхши биламан.

Бувимнинг отаси урушдан қайтганидан сўнг мактабда директорлик қилган экан. Шунинг учунми урушдан кейинги йўқчилик бу оилани оз бўлса-да четлаб ўтган.

«Бизнинг бир соғин сигиримиз бўларди, — деб эслайди бувим. — Сигир сутини унча хушламаганимиз учун онамиз уни кўпинча увитиб, қатик қилар, кўни-кўшниларга илинар, ундан ортганини қувида пишиб, сариёғини оларди. Бизга ёнма-ён кўшни бўлган оила эса етишмовчиликдан анча қийналарди. Қўшнинг болалари кўп ва аксари ўғил эди. Шўрлик оиланинг қатгалари овқатнинг ҳаммасини болаларга илиниб, ўзлари очликдан қийналишгани шундай сезилиб турарди.

Бир куни онам отамга: «Шу сигирни бозорда сотиб юбора қолайлик, болалар сутни даяри ичишмапти. Унга қараш — ортиқча ташвиш. Уни тўйдирши ҳам осон эмас», дебди. Шунда отам ҳалиги кўшнимизнинг ҳар куни сут олишга чиққини ўйлаб, «Шундай пайтда ўзимизга кераги йўқ деб, сигирдан воз кечолмаймиз. Бизнинг болаларимиз ичмаса, ана, кўшнинг кунига ярапти. Агар сигирни сотиб юборсак, уларнинг эҳтиёжини била туриб, атайин қилгандек бўламиз», — деб рози бўлмаган экан.



Хуллас, оғирчилик пайтларда бизнинг сигиримиз кўшни болаларнинг жонига оро кирган экан. Шундай танги феъли учун отамни ҳамма ҳурмат қиларди. Мен бундан ифтихорланиб юрардим.

«Хозир бундай одамлар ҳам анқонинг уруғи бўлиб кетди», — дейди бувим андух билан.

Рост, хозир кўшнисининг уйига ўғрилиққа тушган, уч-тўрт сўм пул илинжида пичоқлаб кетганлар ҳақидаги хабарларни эшитсам, бувимнинг ўша хотиралари эсимга тушаверади. Буни-си ҳам ҳолва, кўздай ҳамсоя номусига тажовуз қилишгача бориб етган кимсаларга нима дейсиз? Қўшнинг ҳақи, кўшнилик ҳурмати шунча бўлдим?

«Агар уйда бирон тансиқроқ овқат пиширилса, — деб эслайди бувим, — унинг ҳиди кўшниларга озор бермасин, деган гапни отам кўп уқтирарди. Имкони бўлса, уларга ҳам бир қосада олиб чиқинлар, деб қаттиқ тайинларди. «Бу йўқчилик биз учун синов, улар учун эмас. Шундай пайтда биз бахузур истаганимизни еб ўтирсанг улар овқатсиз бўлса, инфосдан эмас. Ахир, бизни уларга кўшни бўлишимиз ҳам ҳикматсиз эмас-ку», дер эди ҳамиша раҳматли отам.

Мана, хозир ҳаммамнинг егани олди-

да. Лекин биров бировга кўшничлик ҳурмати юзидан таом илиниш олдин-гайд эмас. Ҳатто хозир кўшнилари бир-бирининг уйдан ҳам қадамни узган. Илгари кўшнилари кунда-кунора йиғилиб, дийдорлашиб турарди. Бириникига бемалол, беҳижолат кириб, овқатга манзират қилинганда бирга таомланиб кетаверарди. Хозир кўшникига бирон тўй ё бошқа муносабат билан қирилмаса, даяри кириш йўқ. Фақатгина кўз-кўзга тушганда салом-алик. У ҳам номига. Бир-бирини кўрганда хурсанд бўлиш йўқ. Ўртада меҳр совиб борапти. Қўшнимиз кўчада бизни кўрмай ўтиб кетса, қайтанга ичдан хурсанд бўламиз. Шуларни ўйлаб туриб, одамларни дард бирлаштиради, деган гап бежиз эмас экан-да, деб қўяман...»

Дарди йўқ — кесак, деган гап ҳам балки шу бобда айтилгандир-а? Нима дейсиз? Қўшнимиз билан қачон охири марта дилдан суҳбатлашдик? Эҳтимол унга бизнинг озгина ёрдамимиз, жилла курс, сал эътиборимиз, меҳримиз зарур бўлаётгандир? Ҳар ҳолда уйимизнинг девори қадам босиш таққиланган худуд эмас-ку.

...Шуларни ўйласам, бувим айтган одамлар афсонавий қаҳрамонлардай туйилиб кетади.

Зиннур МУҲАММАДАЛИЕВА



Узоқ қариндошимизникига меҳмонга бордик. Бизни тўрт киши ўтирган хонага олиб киришди. У ерда ўрта ёшлардаги киши одоб билан гапирар, қолганлар мафтун тинглашар, аҳён-аҳёнда савол ташлаб қўйишарди. Кўп ўтмай, у киши соатига қаради-да, бир жойга бориши лозимлигини айтиб, ўрнидан турди. Ҳаракатини кузатар эканман, унинг оқсанини сездим, босган қадамидан товуш чиқарди. Демак, бир оёғи ясама...

У кетгандан сўнг ўзаро суҳбатимиз қовушмади, бироз ўтириб, тарқалдик.

Шукрона айтаман сенга Худоийм, Сенинг омонатинг —

оёқларим буд.

...Хоразмлик ажойиб ўртоғим бор эди. Отаҳий, Мунси, Шерозий газалларининг кўпини ёд олган. Муҳаммад Юсуфни яхши кўриб, тўпламларини кўтариб юрарди. Бир кеча у хонамизга шошиб келиб, нимагадир қокчилиб кетди. (Ўша пайтлар ётоқхонада турардик.) Менда ҳаяжон зўрлик қилди-да: «Қўзингизга қарасангиз бўлмайми?» деб юбордим. Саволим жавобсиз қолди, унинг кўзлари кўрмас эди.

Шукрона айтаман, ўзинга Аллоҳ, Сенинг омонатинг —

соғлом кўзларим.

...Ёз кунлари эди, оғайнимнинг машинасида қаергадир кетаётган эдик. Йўлда курсдошимизни кўриб қолдик. Шу яқинда турадиган бошқа курсдошимизни кўришга баҳона топилди. Уйига бордик. Отаси чикди, сўрашдик, эътибор қилганим эканман, бироздан сўнг оғайнимни сўрадим. Отаҳон юзларимга қараб қотиб қолди, яна қайтардим. Отаҳондан садо чиқмади. Шунда йўлда қўшилган дўстим имошиора билан тўшунтирди. Миямга бир нарса чарсиллаб урилгандай бўлди.

Шукрона айтаман, Аллоҳ ўзинга, Омонатинг сенинг —

икки қулғим...

Бизнинг оёқларимиз бут, хоҳлаган ишимизни қиламан, хоҳлаган жойимизга борамиз, кўнгимиз тусатган тўй-хашамларни қолдирмаймиз. Нафсимиз буюрганига юрамиз. Аммо аклимизни жойига қўйиб, кўнларимизга осойиш берган Яратувчига шукрона айтмаймиз. Нега?

Дунёнинг мўъжизаларини кўриш учун берилган кўзларимиз соппа-соғ. Ҳар сахар туриб, тонг отишини кузатаман, гуллар, чиройли нарсаларга қараганда кўзим, дилим қувонади. Бизга бу имкониятларни Аллоҳ берди, истаса маҳрум қилади. Қулғим қушларнинг сайрашини, момақалдиқнинг гумбуралини, сувнинг шовқинини, ҳатто итнинг хурганини, пашшанинг гингиллаганини-да эшитилади. Аллоҳга шукрлар айтаман...

Шукрона айтаман Сенга Худоийм, Омонатинг ўзим,

эсимим ва эсоним.

Ақмал ИКРОМ

Она кимни кўпроқ яхши кўради?

Оила дастурхон атрофида жам бўлди. Аёл боши билан уч ўғил ва уч келиннинг бошини бирлаштириб, қарилк гапни тасуриб юрган Соҳиба ая дастурхонага келтирилган таомни бошлаб бергач, ҳамма овқатга қўл узатди. Таомдан сўнг келинлар ҳамма ёқни тартибга келтириб, дастурхон атрофига ўтирганларида Соҳиба ая бир гап айтиб қолди.

— Шу яқинда олган нафақа пулимни кенжамиз — Турсунжонга бермоқчиман. Ўзи шу кунларда пулдан сикилиб юрибди. Нима дейсизлар?! — деди ая бирмабир ўғилларига тикилиб.

— Энди, она, нафақа сизники. Кимга беришни лозим топсангиз, ўшанга бераверасиз-да, биз нима ҳам дердик, — жавоб қилди катта ўғил Муроджон қулиб.

— Ҳа, тўғри, бераверинг! — кўшилди бу фикрга ўртанча ўғил Юнусбек ҳам.

Аммо катта келинларнинг юзидан тунд ифода пайдо бўлди. Уларнинг иккови ҳам қайноналарининг бу фикрини хушламади.

Эртаси куни Соҳиба ая ўзи бориши керак бўлган катта йиғинга ҳам кенжатоий Турсунжонни юборди. Бу ишдан сўнг катта келин — Барно эрини эгвойлаб бошлади.

— Ойижон бунча кенжатоийларини эркаламаса?! Нима, сизлар фарзанди эмасмисизлар?! Кеча нафақаларини шу қайнига бердилар. Бугун ҳам зиёфатга уни юбордилар! Бизга эса ҳеч вако тегмади, лоақал бирровга ўтиб қўйинглар ҳам дематдилар-а!...

Ҳар доим аёлининг гапига бирон



фикр билдирадиган Муроджон бу сафар жим қолди. Ўзининг ҳаёлига ҳам бугун шу фикр келган эди: «Онам кенжамизни кўпроқ яхши кўрадилар!»

Ўртанча келин ҳам ўз навбатида Юнусбекка дардини тўқа бошлади.

— Ҳмм, тавба! Ойижонга ҳам хайронман-да! Шу кенжа ўғилларини хўп яхши кўрадилар-да! Худо билсин, шу кунгача нафақаларини шу эркатойга бергандилар!

— Ҳа, энди, кичик фарзанд она учун азиз-да! Нима бўлганда ҳам, меҳрлари кўпроқ тушган... — деди Юнусбек маҳзун оҳангда.

Эртаси куни яна бир воқеа юз берди. Соҳиба ая Турсунжон билан қаердандир қайтиб келди. Юз-кўзларидан алақасдан меҳмон бўлиб қайтишганга ўхшашарди.

Бу ҳолатдан сўнг катта ўғил — Муроджон онасига пешвоз чиқиб, ундан бу

ҳолатларнинг сабабини сўрай бошлади.

— Ҳа она, кенжамизни олиб қаерларда юргандингиз?! Бизга ҳам бир оғиз айтсангиз олиб бориб келардик...

— Ҳа, рост, она! Биз ҳам сизнинг ўғилларингизми ахир! Фақат шу Турсунжонни эркалайверманг... — болаларча хафа бўлиб деди Юнусбек.

Бу гаплардан сўнг Соҳиба ая енгил жилмайди. Турсунжон ҳам акаларининг ёнига келиб, уларни кучоқлаб олди. Кейин кенжа келин икки халта тўла қийимбош олиб чиқди. Турсунжон уни аёлининг қўлидан олар экан, Бирма-бир қийимларни акаларига бера бошлади.

— Бу сизларга укангиздан совға, болаларим! Бечора унга қилган хизматларингизга миннатдорлик сифатида шуларни олишига қарашиб юборишимни илтимос қилди. Нафақамни ҳам унга шу мақсадда бергандим. Онажон, бироз етмайпти, деганига бергандим. Кеча ҳам зиёфатга айнан уни юбордим, чунки ўша зиёфатга машҳур сомсапоз ҳам келганди. Хозир сомса ҳам келиб қолади. Укангиз бир акаларини меҳмон қилмоқчи бўлди! — деди ая жилмайиб. — Болаларим, шуни унутмангларки, она учун ҳамма фарзанди бир хил. Мен ҳаммангизни баробар яхши кўраман!...

Бироздан сўнг уйга бир тоғора сомса келди. Катта ўғиллар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Аслида, улар совға ёки сомса учун қувонишмаган эди. Кенжа укаларининг меҳр-муҳаббати улар учун энг яхши совға бўлганди...

Шерзод ҲАЙДАРБЕКОВ

Синган пиёла ортидаги меҳр

Икки болакай ошхонадаги стол устида турган пиёлаларни ерга қўйиб айлантирмоқчи бўлиб, синдириб қўйишди. Ойиси кўриб индамади. Негадир улар эртаси куни ҳам шу ишни такрорлашди. Фарзандларининг қилган ишдан хайрон она буни турмуш ўртоғига билдирмасликка ҳаракат қилар, шу боис ҳам индамасди. Чунки анча қаттиққўл ва жаҳлдор ота болаларни жазолашдан кўркарди. Пиёлалар сони эса кундан-кунга камайиб борарди.

Бир куни пиёлаларни ўйнаб ўтирган болаларни кузатиб турган дадаси:

— Хўш пахлавонлар ким пиёлаларни синдириб ташлапти, қани менга айтингчи, — деб қолди тўсатдан. Болалар дадасидан кўрқкани учун айбни бир-бирларига ағда-ришди.

Буни эшитган дадасининг жаҳли чикиб: — Болаларим ёлғон гапирманлар! Зеро, касални яширсанг иситмаси ошкор бўлади. Майли қанча синдиранлар ҳам факат рости айтинлар, ёлғончилик қилманлар! Менга агар қанча рост гапирсангиз тергамайман, уришмайман, аксинча тўғрисиўз-лингиз учун пешонангиздан ўпиб қўяман, — деди.

Бу гап негадир болаларни жуда хурсанд қилиб юборди. Бўлмаса-чи, дадаси уларни жуда кам эрқалагиди, отанинг олқишини олиш қатта гап бу кичкинтойлар учун. Шу боис болалар хаёлу шуурини фақат битта гап — қанча кўп синдирак ва айбимизни



тан олсак дадамизни хурсанд қиламиз ва пешонамиздан ўпиб қўяди, деган илинж қуршаб олган эди. Эртаси куни болалар келишиб олиб барча пиёлаларни йиғиб дадаси келгунча ҳаммасини синдиришди. Буни кўриб ойиси «Бу нима қилганларинг...» дея хайрон қолди. Болалар эса қулиб, «Дадам келдиларми, тезроқ чакиринг. Биласизми ойи, кеча дадам қанча синдиранларинг ҳам фақат тўғриси айтсангиз, пешонангиздан ўпаман деди. Энди ҳаммасини синдирик...»

Болаларнинг гапидан онанинг кўзига ёш келди, ҳеч нарса дея олмади. Сал ўтмай уйга дадаси кириб келди, не кўз билан кўрсинки ҳамма пиёлалар синиб оёқ остида терилиб турибди. Болалар дадасини кўрдию ҳозир ким қилганини сўрайди, деб «Мен қилдим! Мен қилдим!..» дея тортиша кетди. Буни кўрган ота-она бир оғиз ҳам сўз айта олмади, жим қолишди...


Гулҳаё ХУСАНОВА

ПАЗАНДАЛИК

Хушхўр нонушта

Зарур масалликлар:

250 грамм сосиска, 10 дона тухум, 2 ош қошиқ ун, 1 чой қошиқ қабартма (разрыхлитель), 2 ошқошиқ кунгабоқар ёғи, туз.



Тайёрланиши:

Тухумлар идишга чақилади, ичига ун, қабартма, ёғ ва таъбага кўра туз солинади. Бу ҳамма масса блендерда яхшилаб аралаштирилади.

Духовка патнисини ёғлаб, ичига аралашма солинади. Унинг устига паррак қилиб тўғралган сосиска керакли микдорда солинади. Бу патнисни оддиндан киздирилган духовка ичига қўйилади. Ўртача оловда 10-15 дақиқа пиширилади.

Пишган куймоқ бўлақларга бўлинган ҳолда, хоҳишингизга қараб, безатилиб, дастурхонга тортилади.

Бу эрталабки нонушта дастурхонига тортиш учун қулай ва осон пишириладиган таомдир.

ТАБАССУМ

Ҳаммаси жойида

Агар талаба ўқингиз сизга қўн-гироқ қилмаса, ҳечам хавотир олма-манг. Демак, ҳозирча унинг ишлари жойида ва пули етарли.

Тиши дўхтирлари жуда галати одамлар-да. Сиз минг уринманг, улар оғизни янаям каттароқ очши мумкин, деб ҳисоблайверишади...

Хотин эрига:

— Яна ичдингизми?! Кеча сизни хушёр кўрганамда қанчалик бахтли эдим-а...

— Бугун б-б-бахтли бўлиши навба-ти бизга келди-да, х-х-хоти-и-ин!

ЭЪЛОН

ЎзДЖТУ томонидан 2004 йилда Қурбанова Гулнора Мустафаевнага берилган В № 013719 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ЎзДЖТУ томонидан 2007 йилда Юлдашева Хуршида Рустамбаевнага берилган В № 321869 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ЖАВОҲИР

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



*Биз ҳам юксақларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.*

*Жами тирикликка таниш шу хатар,
Қумурсқа яралган ённа таларга.
Дўстим, алам қилар, арслон беҳабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.*

ҲИКМАТЛАР

Ҳар қанча ажойиб ва буюк бўлмагин, ҳамма одамлар сени бирдек яхши кўриши амри маҳол-дир.

Нажиб Махфуз

Одамлар бурчларини унутушга, ҳуқуқларини эслашга мойил бўладилар.

Индира Ганди

Инсон ихтиро қилган вайронкор қуроллар орасида сўз энг хатарли ва қучли қуроллигича қолмоқда.

Пауло Коэлло

Ақлли киши жоҳилга худди табиб беморга хитоб қилгандек хитоб қилиши керак.

Суқрот

ИНТЕЛЛЕКТ

Илк дорилфунун

Бугун юртимизда юзга яқин олий ўқув юрлари фаолият кўрсатяпти. Улар орасида таълим соҳаси, йўналиши ва бошқа турли жиҳатлари билан бир-бирдан фарқлиб туривчилари мавжуд. Шунингдек, уларнинг «ёши» ҳам бир-бирдан анча фарқ қилади.

Савол:

Ўзбекистондаги энг «кекса» дорилфунун қайси? У қачон ва қайси шахарда ташкил қилинган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

23-сондаги саволнинг жавоби қуйидагича:

Ўзбекистоннинг қуёшли ўлка деб юритилиши сабаби юртимизда йилнинг қуёшли кунлари сони минтақадаги бошқа худудларга нисбатан кўплиги учун шундай номланган.

Саволга Тўлқин Тўхтамишев, Дилбар Туропова ва Акмал Турдиев тўғри жавоб йўллади.

OILA
DAVRASIDA
Itimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оида даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабан»;
«Оида» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материаллари ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қуроно

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури-1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Ф. Бобоқононов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: 1-637 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193

Ақли: 2959 нура. Нарзи: келишув асосида.

Келгил бичим А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тошмирлиди: 19:00

ISSN 2181-6190



1234 6